

# Хориждаги семинар- тренинг

**М. К. Носирова**

**Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали  
катта ўқитувчиси**

**М.У.Иргашев**

**Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали  
ўқитувчиси**

Германия Федератив Республикасининг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири саналган Weihenstephan- Triesdorf Университетида Erasmus+ дастурининг staff mobility йўналиши бўйича 2018 йилнинг 25-31 март кунларида ташкил этилган аграр олий таълим муассасалари немис тили ўқитувчиларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди. Семинар-тренинга Аграр олий таълим муассасаларида немис тили ўқитиш масалалари муҳокама қилинди. Weihenstephan- Triesdorf Университети профессорлари томонидан семинар-тренинг тақдиротида Германия таълим тизими айниқса, магистратура таълимида немис тили ўқитиш методикасига доир долзарб масалалар билан яқиндан таништирилди.

- Weihenstephan -Triesdorf Университети профессори Ютта Крезин хоним томонидан семинар-тренинг жараёнида “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ немис тили ўргатишни амалга оширишда адабиёт, мавзулар ва ўқитиш методикаси юзасидан ҳамкор олий таълимдаги муаммолар ечимини топиш масаласи кўриб чиқилди. Ютта Крезин хоним ҳамкор олий таълим муассасаларида немис тили ўқитиш методикасини янада яхшилашда Дастур, мавзулар, ўқув материаллари, ўқитиш усуллари ва талабалар билим ва малакаларини B1, B2 даражада, C1, C2 даражасида эса магистратура мутахассисликларида синов ўтказиш зарурияти ҳақида гапирди. Мазкур семинар-тренингнинг афзалликлари шундан иборатки, барча иштирокчилар томонидан талабаларга немис тили ўқитишда илғор услуб ва усуллар асосида қизиқарли, мазмунли таълим бериш ва таълим сифатини ошириш ҳамда талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатга қизиқишини орттиришда семинар-тренингнинг ташкилий-маданий қисмида тайёрланган видеороликлар, ўқув материаллар ва хорижий ўқув адабиётлар муҳим аҳамиятга эгадир.

- Семинар-тренинг жараёнида аграр олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг мутахассисликка оид тил малакаларини шакллантириш ва эркин мулоқот жараёнига тадбиқ этиш малакаларини такомиллаштириш зарурлиги қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид Немисча-русча –ўзбекча расмли луғат устида ишлашга мени ундади ва бундан ташқари, немис тилини А1, А2, В1, В2 даражалари бўйича махсус гуруҳ ва курслар кесимида ўргатмоқдаман. Талабалар учун амалий машғулот олиб боришда семинарда тавсия этилган адабиётларнинг афзалиги дарс жараёнида ўқиш, гапириш, ёзиш ва кўриш-тинглаш малакаларига оид аудио-визуал материаллар мавжудлигидадир.

- Weihenstephan- Triesdorf университети декани профессор Ралф Шлаудерер ва доктор А. Аристакесянларнинг Аграр олий таълим муассасаларида, хусусан, халқаро магистратура таълимида немис тили бўйича талабаларнинг билим, малакаларини шакллантириш учун умумий ўқув дастурининг тайёрлаш ва немис тили онлайн курсларини фаоллаштиришга доир маърузаларининг тингланди. Семинар-тренингда муҳокама қилинаётган масалалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, МДХ давлатлари ҳамкор олий таълим тизимида немис тили ўқитишнинг янада ривожлантириш мақсадида таълим муассаса вакиллари томонидан тақдимотлар ташкил этилди. Шу жумладан, “Қишлоқ хўжалик соҳаларида немис тили ўқитишда талабаларнинг лексик малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш” га доир тақдимот Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали немис тили ўқитувчилари Носирова М. ва Иргашев М. томонидан ўтказилди.

- Семинарнинг ташкилий-маданий масалаларида Ансбах, Ротенбург, Нюрнберг ва Мюнхен шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига ташриф уюштирилгани боис, Германия Федератив Республикасининг тарихий ёдгорликлари, музейлари, бугунги кун тараққиёти ва немис халқи маданияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилди. Ташриф жараёнида амалий машғулотлар учун видеороликлар, расмлар ва ўқув материаллари тайёрланди.

- Erasmus+ дастурининг лойиҳаларида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида тажриба ва фикр алмашиши Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилган таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур семинар-тренинг жараёнида орттирилган тажриба ва малакалар асосида талабаларга немис тили ўргатишда самарали натижа бераётганлиги, тавсия этилган ўқув адабиётлардан амалий машғулотларда қўллаш имконини мавжудлигидадир.
- Weihenstephan- Triesdorf университети профессори Ютта Крезин хоним Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали немис тили ўқитувчиси Носирова М. томонидан томонидан яратилаётган Немисча-русча-ўзбекча қишлоқ хўжалиги соҳасига оид расмий луғатга ижобий фикрларини билдирганлиги таклиф ва тавсиялар беришга розилиги, ҳамкор олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилаётганлигидадир.


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Тошкент Давлат Аграр университети Андижон филиали

**НОСИРОВА МУХАЙЕ КИМСАНОВНА**

**НЕМИСЧА-РУСЧА-ЎЗБЕКЧА  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАСМЛИ ЛУҒАТ**

**Андижон - 2018**

Tree • der Baum • Дерево • Daraxt



Pome fruits • Kernobst • Семечковые плоды • Urug'li mevalar



apple - der Apfel  
яблоко - olma



pear - die Birne  
груша - nok



quince - die Quitte  
айва - behi



ashberry - die Vogelkirsche  
рябина - ryabina



haw - der Hagedorn  
боярышник - do'lana



Juneberry - die Felsenbirne  
ирга - korinka



medlar - die Hespel  
мушмула - mushmula



loquat - die Mispel  
локва - lokva



chokeberry - die Apfelbeere  
арония - ituzum

**FRUIT TREES OBSTBÄUME ПЛОДОВЫЕ ДЕРЕВЬЯ MEVALI DARAXTLAR**

**Stone fruits · Steinobst · Косточковые плоды · Danakli mevalar**



apricot - die Aprikose  
абрикос \* o'rik



(sour) cherry - Sauerkirsche (sweet) cherry - Süßkirsche  
вишня - olcha черешня - gilos



plum - die Pflaume  
слива - olxo'ri



peach - der Pfirsich  
персик - shaftoli



nectarine - die Nektarine  
нектарин - tuksiy shaftoli



cherry plum - die Kirschpflaume  
алыча - tog'olcha



bird cherry - die Faulbeere  
черёмуха - shumurt



grapes - die Weintrauben  
виноград - uzum

**FRUIT TREES OBSTBÄUME ПЛОДОВЫЕ ДЕРЕВЬЯ MEVALI DARAXTLAR**

**Citrus fruits · die Zitrusfrüchte · Цитрусовые · Sitrus mevalar**



lemon  
die Zitrone  
лимон  
limon



tangerine  
die Mandarine  
мандарин  
mandarin



orange  
die Apfelsine  
апельсин  
apelsin



lime  
die Limetta  
лайм  
laym



clementine  
die Klementine  
клементин  
klementin



grapefruit  
die Grapefruit  
грейпфрут  
greypprut



kafir lime  
die Kaffir-Limette  
кафир-лайм



tangelo  
die Tangelo  
танжело  
tanjelo



tangerine  
die Tangerine  
танжерин  
tanjerin

- Erasmus+ дастурининг лойиҳалари Ватан тараққиётида, таълим тизимида ўқитилаётган соҳаларга доир янгиликлар ва истиқболли лойиҳалар яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, МДҲ давлатларида илм-фанни янада такомиллаштиришда амалий-истиқболли дастур сифатида эътироф этилмоқда.







**Эътиборингиз учун раҳмат!**

**Danke schön für Ihre Aufmerksamkeit!**



